


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2016 йил 10 март, № 48 (6483) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Модернизация:

# ЯНГИЛАНИШ, СИФАТ ВА СУРЪАТ



*Заминимиз бой маъданли ресурслар ҳамда улкан хом ашё захирасига эга. Уларни замонавий технологиялар асосида қайта ишлаб, харидоргир маҳсулотга айлантириш эса юқори даромад манбаидир. Зеро, бугунги соғлом рақобат муҳитида ички ва ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаш жуда мушкул жараён. Истеъмолчиларнинг кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш учун сифатли товарлар тайёрлаш баробарида, уларни мақбул нархларда таклиф этиш ҳам талаб қилинади.*

ИСЛОҲОТ

Айни шу жиҳат саноат субъектлари олдига янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Жумладан, энергия тежовчи ускуна ва дастгоҳлар маҳсулотлар таннархини пасайтириш имконини берса, юксак билимли ҳамда салоҳиятли мутахассислар иш унумдорлигини оширишнинг муҳим омили ва кафолатидир.

Президентимиз шу ҳақда тўхталар экан, “Фақат хом ашё ишлаб чиқариш ва уни бозорда сувтекин нархда бошқаларга сотиш билан юрадиган бўлсак, ўзгалар эса бу хом ашёни қайта ишлаш ҳисобидан унинг ёғини, қаймоғини оладиган бўлса, бундай йўл фақатгина мустамлакага айланган давлатларнинг қисмати бўлганини яхши биламиз”, дея таъкидлагандилар.

Дарҳақиқат, изланиш, ташаббускорлик, янгиликка интилиш каби жиҳатлар — тадбиркорликнинг асосий шарти. Бунга амал қилмаган ишбилармонлар эса ривожланишдан ортда қолиши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

2016 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 31 март куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлисида мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар, шу жумладан, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (янги таҳрири), айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар, мамлакатнинг айрим идоралари ва муассасалари ҳисоботлари, шунингдек, Сенатнинг прокуратура органлари фаолиятини назорат қилувчи комиссияси таркиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригини барчамиз, айниқса, биз, аёллар ғурур ва ифтихор билан тингладик. Бинобарин, унда қайд этилганидек, Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оила, оналик ҳамда болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кучайтириш каби муҳим вазифалар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва бу соҳада амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳавас билан тан олинмоқда.

# Аёл бахтли бўлса, оила мустаҳкам, жамият барқарордир

Ушбу таъкиднинг амалий ифодасини ҳар бир аёл ўз ҳаёти мисолида яққол кўриб, қалбан чуқур ҳис этмоқда десак, муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, мунис, оқила опа-сингилларимиз, бири-биридан латофатли қизларимиз ҳамиша давлат ва жамиятнинг ғамхўрлиги, ардоғи, эътибори ҳамда эъзозидадир. Хотин-қизларнинг манфаатларини ҳар томонлама кафолатлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш мақсадида зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилиб, комплекс чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилаётгани ўз самарасини бермоқда. Хусусан, “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонун, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари аёлларнинг барча жабҳада муносиб иштирокини таъминлашда дастуриламал бўлаётир.

Бугун турли соҳаларда ўз салоҳиятини намоён этиб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли. Президентимиз айтиб ўтганидек, биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия, маданият ва илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75, ишлаб чиқариш тармоқларида 42, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини айнан аёллар ташкил этаётгани уларнинг, ҳақиқатан ҳам, бирор-бир соҳада ҳеч кимдан қолишмаслигини кўрсатади.

Умуман олганда, фозила аёлларимизга давлат ҳамда жамият ҳаётида ўз ўрнини топиши учун кенг йўл очилди. Сайлов тўғрисидаги қонунларимизга Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизлар учун камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилди. Бу эса аёлларнинг халқимиз ишончли вакиллари сифатида фаолият юритишларида ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# ШҲТ эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 21 январдаги Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги доирасидаги бошқа тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда ушбу йирик анжуманни юқори савияда ўтказиш учун изчил ишлар амалга оширилмоқда.

ҲАМКОРЛИК

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳозирги шиддат билан ўзгараётган замонда халқлар фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган нуфузли халқаро ташкилотдир. Мана, 15 йилдирки, ШҲТга аъзо давлатлар ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида самарали лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жаҳон ҳамжамияти эътиборини бутун дунёга таҳдид солиб турган халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарларнинг олдини олишга даъват этаётир.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи маротаба раислик қилаяпти. Мамлакатимиз ушбу ташкилотга илк бор 2003-2004 йилларда раислик қилган. 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг саммитида ШҲТ фаолиятининг икки асосий йўналиши — хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинган.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу саммитда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича юксак самарали ғоя ва таклифларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ҳамда хавф-хатар ошиб бораётган бир шароитда бу минтақа ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиий-иқтисодий, минерал-хом ашё ва биринчи навбатда углеводород захиралари туфайли халқаро ҳамжамиятнинг диққат-марказида бўлиб келаётганини таъкидлади. Афғонистондаги тикланиш жараёни билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

ШҲТнинг Тошкентда ўтган саммитида Афғонистондаги вазият муҳокама этилган долзарб масалалардан бири бўлди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мазкур анжуманга Афғонистоннинг ўша пайтдаги мувaққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида илк бор таклиф қилинди ва бу ташаббус кейинчалик анъанага айланди. Зеро, Афғонистон раҳбарининг бевосита муҳокама жараёнида иштирок этиши вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда ҳар томонлама мақбул қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми 2-бетда).

# Яратувчанлик, бунёдкорлик ва меҳр-оқибат ифодаси

Бу йил баҳор анча эрта келди. Табиат уйғониб, дов-дарахтлар гўёки бир зумда гуллади, барг ёзди, дала-қирлар яшилликка бурканди. Шунга мос равишда одамлар ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларига ҳар қачонгидан барвақт киришди. Кимдир кўчат экиб, дарахтларга шакл бермоқда, бошқаси кўча ҳамда йўлларни обод қилаяпти.

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Табиийки, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартдаги фармойишида кўзда тутилган вазифалар ижроси доирасида янада кенг қулоч ёзаётир. Зеро, мазкур ҳужжат билан шу йилнинг март-апрель ойларида юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда **12-13 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари**, деб эълон қилинди.

Ҳозирги пайтда ушбу тадбирни пухта ва уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилаяпти. Жумладан, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқарувида умумхалқ хайрия ҳашарини юқори савияда ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди ҳамда махсус режа ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонасида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

# Лондонда бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти юқори баҳоланди

Буюк Британиянинг расмий, ишбилармон, илмий ҳамда эксперт доиралари вакиллари қатнашган тадбирда юртимизнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, давлатни модернизациялаш, саноатни диверсификация қилиш ва макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш бўйича эришилган натижалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Чуқур таркибий ўзгаришлар, корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини қўллаш йўли билан иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар хорижлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Буюк Британия жамоатчилиги вакиллари Ўзбекистоннинг ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуридаги устувор вазифалар билан ҳам танишдилар.

Анжуманда сўзга чиққан **Кембриж университети профессори Ш. Феннелл** тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳақида тўхталар экан, иқтисодиётни диверсификациялаш жараёни мураккаб бўлишига қарамай, Ўзбекистон бу борада салмоқли ютуқларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлади.

Эришилган шу каби муваффақиятлар кўпгина халқаро молия институтлари томонидан юксак эътироф этилгани, айниқса, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилгани маҳаллий ҳамда чет эллик сармоядорлар учун рағбатлантирувчи омил эканини билдирди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## 2015 йилда мамлакатимизда чакана савдо айланмаси

**15** фоиздан зиёд ўсди.

Иқтисодиёт тармоқлари жадал суръатларда ривожланаётгани, аҳоли даромадлари кўпайиб, ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётгани натижасида ички истеъмол талаби кенгайгани ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилишида муҳим омил бўлди.

# ШҲТ эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 йилги саммити доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи — Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг очилгани ШҲТ фаолиятидаги муҳим тарихий воқеа бўлди. Унинг зиммасига ахборот алмашиш, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш, терроризм, экстремизм ва айирмачиликка, гиёҳвандлик моддалари ҳамда қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши биргаликда курашишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш каби вазифалар юкланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур тузилманинг муваффақиятли фаолият олиб боришининг энг муҳим шарти — бизнинг Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёдаги хавфсизлик ҳамда барқарорликка қарши қаратилган хавф-хатар ва таҳдидларга умумий ҳамда ягона ёндашув ва қарашимиз, деб таъкидлади. Унинг муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларини ишга солишини қайд этди.

Президентимиз таъкидлаганидек, терроризмга қарши курашда кўпорувчиларни, уларнинг базаларини йўқотиш билан чекланиб, яъни таҳдидларга фақат куч ишлатиб жавоб бериш билан кифояланиб бўлмайди. Одамларнинг онгини заҳарлайдиган, терроризмни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин курашиш керак. Бу кураш сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мезонларни ҳам қамраши даркор. Саммитда давлатимиз раҳбари ана шу заруратни таъкидлар экан, террор ва наркобизнес учун "транзит давлат" тушунчасининг ўзи йўқлигини қайд этди.

ШҲТ доирасида аъзо мамлакатларнинг ташқи сиёсат маҳкамалари, иқтисодиёт ва савдо вазирликлари, хавфсизлик кенгашлари ўртасида мунтазам мулоқотлар ўтказилмоқда. 2004 йилги Тошкент саммити арафасида ҳам мазкур идоралар раҳбарларининг учрашувлари уюштирилди. Бу ташкилотни ривожлантиришга, унинг доирасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилди.

Ҳар бир мамлакатнинг ва бутун минтақанинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, коммуникация ҳамда транспорт соҳаси, сув-энергетика ва хом ашё захираларидан, инсоний салоҳиятдан оқилона фойдаланишга доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни ўзаро келишиш ҳамда мувофиқлаштириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётир. Ислом Каримов таклифига биноан ШҲТ доирасида минтақага хорижий капитал ва инвестицияларни жалб қилиш, шу мақсадда бу ҳududдаги мамлакатлар учун умумий бўлган шарт ва қоидаларни шакллантиришга катта эътибор қаратилди. Бугунги кунга келиб, ШҲТ саммитлари доирасида илгари сурилаётган барча таклиф ва ёндашувлар турли соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, халқларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Саммитда ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал-хом ашё захираларини ўзлаштириш, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экология, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш каби долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди.

Мазкур омилларга катта эътибор қаратган Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтадиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, транспорт йўлаклари ва йўналишлари борасида илгари сурилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу ғоя ва таклифлар ШҲТга аъзо давлатлар билан Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилаётир. Ҳамкорликда иқтисодий дастур ва лойиҳалар фаол амалга оширилаяпти. Ўзаро мулоқот ва учрашувларда эришилган келишувларнинг барчаси бугун амалда ўзининг юксак натижаларини бераётгани аҳамиятлидир.

Саммитда минтақамиз истиқболига доир муҳим ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. ШҲТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги низом ҳамда ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор бошқа ҳужжатлар имзоланди. Эътиборлиси шундаки, ушбу анжуманда илк маротаба Мўғулистон вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этишди. Бу ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи давлатлар билан амалий ҳамкорликнинг йўлга қўйилишидаги дастлабки қадам бўлди. Шунингдек, мазкур саммит халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ амалий натижаларга бой бўлгани ва ишчанлик руҳида ўтгани билан ШҲТ саҳифасидан алоҳида ўрин олди.

Мазкур ташкилот саммитларида қабул қилинган ҳужжатлар минтақамизда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш, ШҲТга аъзо ва кузатувчи давлатлар, мулоқот бўйича шериклар билан маданий-гуманитар, илм-фан, савдо, иқтисодиёт, инвестициялар ва транспорт коммуникациялари соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилот фаолияти самарадорлигини муттасил оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



Модернизация:

# ЯНГИЛАНИШ, СИФАТ ВА СУРЪАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш, улар экспорти ҳажмини юксалтириш устувор вазифалар сифатида белгиланди. Бу, ўз навбатида, тўқимачилик саноатига ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш субъектлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.



Чунончи, кейинги йилларда Хоразм вилоятида мазкур тармоқни изчил ривожлантириш мақсадида қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, воҳадаги мавжуд енгил саноат корхоналари сони 405 тага етди. Улар томонидан биргина ўтган йилнинг ўзида 639 миллиард 220 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, шундан қарийб 15 миллион АҚШ долларилик қисми хорижий давлатларга сотилди. Бунда Шовот туманидаги Чиғатойқалъа қишлоғида барпо этилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Uztex Shovot" қўшма корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— 2012 йилнинг сентябрь ойида 33 миллион долларлик инвестиция ҳисобига иш бошлагандик, — дейди МЧЖ раҳбари Равшан Ҳайитбоев. — Ўшанда бу ерда йилига 5 минг тонна юқори сифатли калава ип ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Ўтган даврда модернизациялаш ишларига алоҳида эътибор қаратдик. Цехларимизга илғор ва тежамкор технологиялар келтирилди. Янги-янги қувватлар ўзлаштирилди. Мана, ҳозир корхонамиз нафақат вилоят, балки мамлакатимиздаги етакчи ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. Бу ерда меҳнат қилаётган 1000 нафардан зиёд ишчи-мутахассис катта тажриба ва салоҳиятга эга. Ўтган йили корхонамизнинг иккинчи босқичи, яъни масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Шовот текстиль" қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг учун 28,5 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри сармоя жалб этилди. Пировардида хориждан энг сўнгги русумдаги технологиялар келтирилиб, яна 9,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш ва ундан 7,5 минг тонна калава ип тайёрлаш имконияти вужудга келди.

Жамоа бу муваффақиятлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Негаки, толадан йигирилаётган калава ип, бу — яримтайёр маҳсулот дегани. Уни бежирим ва кўркам дизайндаги либосларга айлантириш орқали олинаётган даромад салмоғини янада кўпайтириш мумкин. Қолаверса, бундай саъй-ҳаракатлар воҳа иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Қўшимча иш ўринлари яратилиб, юзлаб оилаларга файзу барака киради. Ана шу жиҳатларни инобатга олган корхона мутасаддилари яна бир янги тармоқ — тикувчиликка ихтисослаштирилган "Евро тех глобал"нинг Шовот филиалига асос солди. Кўп ўтмай бу ерга хориждан 200 тага яқин замонавий тикувчилик ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Шу аснода йилига 3 миллион дона экспортбоп кийим-кечак тайёрлашга киришилди ҳамда 400 нафар хотин-қиз жамоа сафига қабул қилинди. Улар саъй-ҳаракати билан қисқа даврда 32 минг дона бежирим либос тайёрланиб, тўлиқ экспортга жўнатилди.

— Қишлоғимизда яна бир янги корхонанинг ишга тушиши орзуларим рўёбига кенг йўл очди, — дейди чевар Садоқат Худойберганова. — Бу ерга ўрнатилган барча технология компьютерлаштирилган. Мен ва тенгдошларим ушбу илғор ускуналарни ҳеч бир қийинчиликсиз бошқараяпмиз. Махсус кийим-бош, бепул иссиқ овқат билан таъминланганмиз. Транспорт воситалари келиб-кетишимиз учун шай. Ишлаб чиқариш цехлари ёруғ ва озода. Дастгоҳлар бир маромда ишлайди. Ушбу жамоада меҳнат қилаётганимдан мамнунман.

Айни пайтда корхона мутасаддилари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш чораларини кўрмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Аёл бахтли бўлса, оила мустаҳкам, жамият барқарордир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи аёллардан иборат экани, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида юзлаб опа-сингилларимиз фаолият юритаётгани бунга далилдир. Жумладан, олий қонунчилик органидаги депутат аёллар юртимиз равнақини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонун лойиҳаларини маромига етказиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Маҳаллий Кенгашлардаги вакилаларимиз эса жойлардаги мавжуд масалалар ечимида, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишда ташаббускор бўлаётир.

Шу ўринда хотин-қизларнинг соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялашдаги ўрни ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Аёнки, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади, заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, юртимизда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук авлодни вояга етказишга қаратилган, узоқни кўзлаб амалиётга жорий этилаётган умуммиллий дастурлар ўз натижасини бераяпти. Жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номлангани, бу борада Давлат дастури қабул қилингани ушбу йўналишдаги ишларни юқори босқичга кўтарди. "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни ўзида мужассам этган мазкур ҳужжатда хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш устувор вазифалардан қилиб белгиланган.

Мамлакат тараққиёти ва эртасига дахлдор бу каби вазифаларни амалга оширишда биз, аёл депутатлар ҳам янада фаол қатнашишимиз лозим. Айниқса, хотин-қизларнинг оиладаги, жамиятдаги ҳамда фарзанд тарбиясидаги ўрнини теран англаган ҳолда, уларга яратилган шарт-шароитларни янада кенгайтириш масалаларида, қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш ишларида ташаббускор бўлиш талаб этилади. Зеро, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ижтимоий фаоллик даражаси ҳар қандай давлат тараққиётини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир.

**Дилфуза ЖАЛИЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Лондонда бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти юқори баҳоланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, аграр соҳадаги тизимли янгиланишларни юқори баҳолади. Чунки ундаги ўзгаришлар нафақат маҳсулот етиштириш, балки уни чуқур қайта ишлаш ҳажмини ошириш, пировардида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаяпти.

**"ING Bank" вакили Ф. Оллард** мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, унинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги иштироки ортиб бораётганини эътироф этди. "Буларнинг барчаси кичик бизнес вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кўпроқ эркинлик бериш ва фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаётий дастурларнинг самарасидир. Умуман, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришаётган ютуқлари Буюк Британия ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда", деди у.

**"Pathfinder Trade & Invest" компанияси директори М. Томас** иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки объектларини хусусийлаштириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ўта долзарб эканлигини таъкидлади. Сабаби, ўтган асрнинг 70-йилларида Буюк Британияда ўтказилган ана шундай жараёнлар мамлакат иқтисодиёти тараққиётига кучли туртки бўлганини ёдга олди.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон

## ИНТИЛИШ

Янгиер шаҳридаги "Мосянтекс" қўшма корхонаси дастлаб 25 нафар чевар билан фаолият бошлаган эди. Эндиликда уларнинг сони 125 нафарга етди.

# Иш ўринлари беш баробар кўпайди

Айни чоғда модернизация ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича татбиқ этилаётган чоралар маҳсулот ҳажми ҳамда сифатини оширишга хизмат қилди. Корхона икки йил аввал ISO 9001:200 халқаро сертификатига эга бўлганди. Натижада экспорт имкониятлари янада кенгайди. Бинобарин, ҳозир бу ерда тикилаётган кийимларнинг деярли юз фоизи хорижга сотилмоқда.

— Янги технологияларни қўллашга эътибор қаратаяпмиз, —дейди қўшма корхона директори ўринбосари Юлдуз Ҳайдарова. — Сўнгги йилларда кийимларга турли расмли безаклар туширишни ўзлаштирдик. Бунда, албатта, ана шу жараённи бажарадиган цех ташкил қилганлигимиз айни муддао бўлди. Шунингдек, эркаклар учун кўйлаклар тикишни ҳам йўлга қўйдик.

Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур корхона жамоасининг аксарияти Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Яратувчанлик, бунёдкорлик ва меҳр-оқибат ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унга кўра, икки кун мобайнида ҳудудлардаги тураржой даҳалари ва маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ҳамда манзарали дарахтлар ниҳоллари экиш, оқлаш ва буташ, кўчалар, йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш ҳамда маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш, белгиланган жойга олиб чиқиш, маҳаллалар, аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли бино ва ҳовлилар атрофи, гузар, хиёбон, зиёратгоҳ ҳамда қабристонлар, ариқ ва лотокларни, шунингдек, болалар майдончаларини тартибга келтириш ишлари бажарилади. Айни чоғда кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашишдек эзгу амаллар рўёбга чиқарилди. Бу хайрли юмушларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, "Камолот" ЁИҲ, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ҳамда ташкилотлар ходимлари, таълим муассасалари ўқитувчилари, ўқувчи ва талабалари, умуман, кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этиши кутилаяпти.

— Соғлом она ва бола йилида ўтказилаётган умумхалқ хайрия ҳашарида юртдошларимиз ташаббус кўрсатиши, шубҳасиз, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д. Усмонов. — Икки кун давомида улар кўмагида 40 минг гектардан зиёд майдонни ободонлаштириш, 22 минг километрлик ариқ-лотокни тозалаш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, эҳтиёжманд инсонлар, ёлғиз қарияларнинг уй-жойларини таъмирлаш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болалар майдончаларини тартибга келтириш ва янгиларини қуриш ҳамда маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни кенг ривожлантиришга ёрдам бериш, фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини яхшилаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари ҳам кўрилади.

Наврўз байрами арафасида ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарида эртамиз эгалари бўлган ёшларнинг фаол қатнашиши кутилаётгани янада қувонарлидир. Улар ҳашар кунларида шижоат билан меҳнат қилиш баробарида, ўзаро меҳр-оқибат, яратувчанлик, ўзгаларга яхшилик қилиш каби фазилатларни намоён этиб, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшишлари турган гап.

Умумхалқ хайрия ҳашарини уюшқоқлик билан, кўтаринки кайфиятда ўтказиш учун барча чора-тадбир кўрилган. Албатта, бу галги ҳашар ҳам маънавий ҳаётимизнинг узвий қисми, халқимизга хос эзгу қадриятларнинг яна бир ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Фарғона вилоятининг Данғара туманида "Аёллар соғлиғи — жамият бойлиги" лойиҳаси доирасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида "Ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг муҳим омиллари" мавзуида конференция ўтказилди.**

● Миллий матбуот марказида янги ташкил қилинган Ўзбекистон Пенсионерлар уюшмасининг мақсад ҳамда вазифаларига оид матбуот анжумани уюштирилди.

● **Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази томонидан ташкил этилган тадбир "Бахтли болалик мадҳи" деб номланди.**

● "Истиқлол" санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида "Аёл борки, олам мунаввар!" номли концерт дастури намойиш этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Февраль ойида Европа Иттифоқи хизмат кўрсатиш секторидаги ҳолат янада мураккаблашган. Яъни соҳадаги ишбилармонлик фаоллигини билдирувчи индекс (PMI) 53,6 пунктдан 53 пунктга тушган.*

## Кутилганидек эмас

Бу 2015 йил бошидан бери қайд этилган энг паст кўрсаткичдир. “Markit” тадқиқот гуруҳи таҳлилларига кўра, ўтган ойда компаниялар хизматлари ва маҳсулотларига бўлган талаб кескин қисқариб, истеъмол инфляцияси юзага келган. Европа марказий банки мазкур вазиятни юмшатиш мақсадида ҳар ойда молия тизимига 60 миллиард евро миқдорида маблағ йўналтиришда давом этаяпти.

## Акцияларини сотувга қўйди

*Швейцариянинг “Glencore” хом ашё трейдери қийин ҳолатга тушиб қолгани учун янада кўпроқ активларини сотишга қарор қилди.*




Яъни йил охиригача 4-5 миллиард долларга тенг қимматли қоғозларини сотишни режалаштирган. Ваҳолонки, аввалроқ мазкур рақам 3-4 миллиард атрофида бўлиши айтиб ўтилганди. Шу орқали “Glencore” қарийб 30 миллиард долларга тенг қарзини нисбатан қисқартирмоқчи.

## Самолёт ҳалокатга учради

*Бангладешда “True Aviation” компаниясига тегишли “Ан-26” юк самолёти фалокатга учради.*

Оқибатда икки киши ҳаётдан кўз юмган, бир киши оғир жароҳатланган. Яна бир нафар одам бедарак йўқолган. Соҳилбўйи қўриқлаш ва қутқарув хизматлари ҳамда балиқчилар томонидан қидириш ишлари олиб борилаяпти.

Маҳаллий полиция вакилининг маълум қилишича, мазкур транспорт воситасидан Жессор ва Кокс-Базар шаҳарлари орасида майда қисқичбақалар ташиш учун фойдаланилган.

Воқеа сабаблари ҳозирча номаълум.

## Уйқунинг фойдаси

*АҚШнинг Гарвард университети мутахассислари соғлом ва қаттиқ уйқу ортиқча вазн йўқолишига ёрдам беришини исботлашди.*



Улар ўн йил давомида бир юз ўттизга яқин қизнинг гигиенасини тадқиқ қилиб, таҳлилдан ўтказишди. Натижада ухлаш меъёрларига риоя этадиганларда иккинчи тип қандли диабет касаллигига чалиниш ва семириш муаммосига дуч келиш эҳтимоли 45 фоиз камлиги маълум бўлди. Қолаверса, бир кунда саккиз соат ухлайдиганлар беш соат ухлайдиганларга нисбатан икки баробар кўп вазн йўқотиши аниқланди.

Бу тунги уйқу пайтида овқатланмаслик ва оч бўлиш ҳолати билан боғлиқ экан.

## Қуёш тутилди

*Сингапурликлар ажойиб табиат ҳодисасига гувоҳ бўлишди.*



Яъни ушбу мамлакат аҳолиси қарийб қирқ дақиқа давомида қуёшнинг деярли 90 фоизга тутилишини кўришди.

Мазкур ноёб жараённи кузатиш учун махсус жойлар ташкил этилиб, ўнлаб телескоплар ўрнатилди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ИЗЛАНИШ

## Муҳандислар ихтироси

Термиз туманидаги “Умаржон” корхонаси кўп тармоқли тадбиркорлик субъектларидан бири саналади. Айни пайтда бу ерда пишиқ ғишт, нон ва қандолат маҳсулотлари ҳамда макарон тайёрлаш цехлари фаолият юритмоқда.

Жамоанинг изланишлари натижасида яқинда яна бир лойиҳа амалга оширилди. Иккиламчи хом ашёдан томёпқичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Бундай маҳсулот ишлаб чиқариш учун эритиш печи ва зарур дастгоҳлар корхонамиз муҳандислари томонидан яратилди, — дейди тадбиркор Комилжон Сиддиқов.

Таъкидлаш керакки, бу ерда банк сармояси ҳамда тадбиркорларнинг ўз маблағи ҳисобидан металл буюмлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Мазкур цехда темир дарвозалар ва кунгурадор панжаралар ясалмоқда. Пировардида меҳнат қилаётганлар сони 30 нафарга етди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


# Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

**Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига асосан, жорий йилда болалар мусиқа ва санъат мактабларига ҳамда Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейига мебель, мусиқа чолғулари ҳамда ускуналарини тендер савдолари ўтказиш орқали харид қилади.**

Тендер номи — жорий йилда болалар мусиқа ва санъат мактабларига ҳамда Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейига мебель, мусиқа чолғулари ҳамда ускуналар харид қилиш.

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда болалар мусиқа ва санъат мактабларига ҳамда Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейига мебель, мусиқа чолғу асбоблари ҳамда ускуналарни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ҳамда ташкилотлар, шунингдек, юртимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

**Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйилмайди:**

— қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
— малакавий танлов учун зарур барча ҳужжатни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
— Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан тузилган шартномалар юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган ҳамда Республика Товар-хом ашё биржасининг ноҳалол етказиб берувчилар реестридаги етказиб берувчилар;
— тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой тўлмаган;
— буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
— тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиганлар.

Талабгорлар ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф қилаётган маҳсулотларининг намуна (каталог)ларини тегишли лотлар бўйича тақдим этишлари шарт.

Малакавий танловни ўтказиш муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади.

Агар тендер савдоларида мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан бир қаторда, хорижий етказиб берувчилар қатнашса, юртимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ, 20 фоиз миқдорида нарх имтиёзлари қўлланилади.

Ғолибнинг буюртмачи олдидаги шартнома мажбуриятларини бажариш муддати шартнома ҳудудий ғазначиликлардан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 120 кунни ташкил қилади.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига эълон чоп этилган санадан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.**

**Телефонлар: (0-371) 239-41-11, 239-18-24. Факс: (0-371) 239-89-58.**

Тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида жорий йилнинг 29 февраль куни Халқ таълими вазирлигининг www.xtv.uz электрон сайтида эълон берилган.

**Батафсил маълумот ва маҳсулотларнинг нархларини www.xtv.uz электрон сайтидан олиш мумкин.**

404А/177





РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**Ўзбекистон Республикаси**
**Давлат божхона қўмитаси**

## ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

**ҳудудида жойлашган қуйидаги ускуналарга техник талаблар асосида 2016 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар хизмат кўрсатиш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- қозонхонага хизмат кўрсатиш;
- сантехника жиҳозлари ва совуқ сув тизимига хизмат кўрсатиш.

Тижорат таклифлари конвертда, ўз фаолияти ва молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган ҳолда тақдим қилиниши лозим. Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 20 кун давомида қабул қилинади.

**Танловда қатнашиш истагидаги корхона ҳамда ташкилотлар техник талаблар учун қуйидаги манзилга ёзма равишда мурожаат этишлари мумкин:**
**Тошкент шаҳри,**
**Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 245-10-51, 227-46-56.**

400А/163



**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

XALQ BANKI

## Акциядорлик тижорат Халқ банки

**«Омад лотто» лотереяси ўйини учун 2 та лототрон қурилмаси ҳамда унинг бутловчи қисмларини харид қилиш бўйича танлов муддати узайтирилганлигини билдиради.**

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий етказиб берувчилар, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар қатнашишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи манзили ҳамда телефони:
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-17-24, 120-17-49.
www.xb.uz E-mail: marketing@xb.uz
2. Тендер савдоси предмети — 2 та лототрон қурилмаси ва унинг бутловчи қисмларини етказиб бериш.
3. Тўлов шакли — аккредитив.
4. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ҳамда телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.
5. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 19 март куни Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

425А/120



# «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2016 йил 12 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**1.** Оққўрғон тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туманлараро судининг 2015 йил 26 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами F183-1497401, давлат рақами 01 B 021 CA бўлган «Lacetti» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.***

**2.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2016 йил 8 февралдаги 887-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 K 471 MA бўлган, «ГБА СПГ Nexia СОНС» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 31 836 319 сўм 44 тийин.***

Шунингдек, 2016 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига ЖИБ Бекобод тумани судининг 2015 йил 22 сентябрдаги 1-308-15-сонли ижро варақасига биноан, 2015 йил 30 ноябрда қўзғатилган 25017/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 C 875 CA бўлган «Nexia» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 18 083 700 сўм.***

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг «Asia alliance bank» АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (+99895) 177-84-77.**

Гувоҳнома № 004593.

419А/190



# POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros®
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор







***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***

- **савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);**
- **бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;**
- **ресторанлар, кафе, барлар;**
- **фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.**

**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.**
**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

**- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДЙҲХБ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.**

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

102R/525


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси Ўқув-услубий бўлим бошлиғи Ғуломжон Орифжоновга турмуш ўртоғи

**Зумрадхон ОРИФЖОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси банкнинг марказий идораси бош мутахассиси Насиба Мусаевага турмуш ўртоғи

**Миршоҳид МУСАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**МЕРОС**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихимизни пухта ўрганиш, бой маънавий мероси, ёрқин фаолияти билан жаҳон узра ном қозонган буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш мақсадида кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Амир Темур шахси, унинг халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари юксак қадр топди.

# Ўзликни англаш мезони



Давлатимиз раҳбари ташаббусига биноан 1996 йил мамлакатимизда “Амир Темур йили” деб эълон қилиниб, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бу беназир зотнинг ҳайкаллари қад ростлади. Пойтахтимизда Темурийлар тарихи Давлат музейи барпо этилди. Бобокалонимиз шарафига орден таъсис қилинди.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихидан дарак берувчи кўплаб тарихий манбалар тадқиқ этилиб, илмий жамоатчиликка етказилди. Хусусан, “Темур тузуклари” истиқлол йилларида миллий маданий меросимизнинг ноёб намунаси сифатида қайта тикланиб, бир неча бор нашрдан чиқарилди. Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида Юртбошимиз таклифига кўра, бу китоб мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгитдан чоп этилди.

Жорий йилда буюк давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темур таваллудига 680 йил тўлади. Шу муносабат билан мазкур санани юқори савияда нишонлашга доир фаол саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари, Ташқи ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Халқаро Амир Темур жамоат фондининг 2016 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги таклифлари ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланди ва бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Мазкур қутлуғ сана билан боғлиқ тадбирлар шу йилнинг 9 апрелида давлат ва жамоат арбоблари, хорижий дипломатик корпус вакиллари, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирокида пойтахтимиздаги Амир Темур ҳайкали жойлашган хиёбонда тантанали маросимни ўтказишдан бошланади. Худди шундай тадбирлар Самарқанд ва Шаҳрисабздаги буюк бобокалонимиз номи билан аталувчи хиёбонда ҳам ташкиллаштирилади. Темурийлар тарихи Давлат музейида эса қатор анжуманлар уюштирилиши режалаштирилган. Жумладан, “Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни” мавзуида республика конференцияси ўтказилади. Унда темуршунос олимлар билан бир қаторда, ёш тадқиқотчиларнинг ҳам иштирок этиши кўзда тутилган. Музей залларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихига бағишланган янги кўргазмалар очилади. Шунингдек, ушбу сулола даврида илм-фан, маданият ривожи ва уларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини очиб берувчи китоблар нашр этиш, буклетлар тайёрлаш ҳам мақсад қилиб қўйилган. Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда “Темурийлар тарихига оид энг яхши санъат асари” ва Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Темурийлар тарихига оид энг яхши бадиий-публицистик асарлар” кўрик-танловлари ўтказиш назарда тутилган.

Навқирон авлодни тарихимиз, алломаларимиз меросига юксак ҳурмат ва эътибор руҳида тарбиялаш мақсадида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ҳамда ҳарбий қисмлар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, бадиий-маърифий кечалар уюштириш, ўқувчилар, талабалар ўртасида Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид иншолар танловини ҳамда миллий тарихимиз билимдонлари беллашувларини ташкил этиш бобокалонимиз фаолиятини янада чуқур ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Амир Темурнинг бизга қолдирган мероси бутун дунё аҳлини ҳайратга солмоқда. Бугунги кунда хорижнинг элликдан ортиқ давлатларида темуршунос олимлар фаолият кўрсатиб, шу пайтгача улуғ бобомизга бағишланган асарлар Европа ва Шарқ мамлакатлари тилларида кўплаб яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Амир Темур шахсига жаҳоннинг турли қитъаларида қизиқиш юқори бўлиб, уларда яратилган асарларда Соҳибқирон буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ҳомийси сифатида таърифланади. Масалан, инглиз драматурги Кристофер Марлоу 1588 йили тарихий пьеса, машҳур немис бастакори Георг Гендель 1724 йили опера, АҚШлик адиб Эдгар По эса 1827 йили шеърий поэма яратган. Бундай асарлар бугунги кунда ҳам ёзилаяпти. Франциялик таниқли олим Люсьен Керен томонидан 2006 йилда халқаро миқёсда кенг нишонланган буюк аждодимизнинг 670 йиллик таваллуд тўйи арафасида Парижда француз тилида “Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат” номли тадқиқоти нашр қилинди. Табиийки, бундай асарлар улуғ бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўпгина масалаларга жавоб топишда, уларни тарих ҳамда бугунги замон нуқтаи назаридан ёритишда муҳим ўрин тутади.

Қувонарлиси шундаки, кенг жамоатчиликда бобокалонимиз ҳаётига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бунинг яққол далили сифатида шу йилнинг май ойида Соҳибқирон таваллудининг 680 йиллигига Нидерландиянинг Лейден университетида “Амир Темур ва темурийлар даврида маданий ҳамда илмий алоқалар” мавзуида халқаро илмий конференциянинг ўтказилишини айтишимиз мумкин. Унда Ўзбекистон, АҚШ ва Европанинг таниқли олимлари иштирок этиши кутилмоқда.

Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши Амир Темур ва темурийлар тарихини янада кенг тадқиқ ҳамда тарғиб қилиш, ёшларда буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиш ҳиссини кучайтириш, уларни илмий ва маданий меросимизга эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

**Хуршид ФАЙЗИЕВ,**
**Темурийлар тарихи Давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди.**

# Ўзбекистон чемпионати бошланди




Баҳор... Ўзгача интиқлик билан кутиладиган фасл. Чунки бу паллада бутун борлиқ, табиат ажиб жозиба касб этади. Сеҳрли фаслнинг ҳаётбахш еллари қалбларда энг эзгу ва гўзал туйғуларни тўлқинлантиради. Бундай ҳаяжон “миллионлар ўйини” мухлисларига ҳам хос. Чунки кўклам кириб келиши билан юртимизда футбол мавсуми бошланади.

**ФУТБОЛ**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли у, том маънода, янги босқичга кўтарилди. Ўтган йиллар мобайнида клубларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя этишга қодир маҳоратли футболчиларни тайёрлаш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг изчил ижроси туфайли йилдан-йилга миллий чемпионат баҳсларида рақобат кучайиб бораяпти, янгидан-янги номлар кашф этилмоқда. Ўз навбатида, терма жамоаларимизнинг нуфузли халқаро ареналарда эришаётган натижалари ҳам яхшиланиб бораётир.

5 март куни бошланган Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лигасида жами ўн олти жамоа баҳсларга киришди.

Турнинг дастлабки ўйини Бекободда “Металлург” ва Жиззахнинг “Сўғдиёна” жамоалари ўртасида кечди. Унда 2:1 ҳисобида мезбонлар ғалаба қозонди. Олий лига дебютанти — “Обод” (Тошкент) илк учрашувни “Қўқон-1912” (Қўқон)га қарши ўтказиб, мағлубиятга учради — 0:1.

“Бухоро” клуби вакиллари ўз майдонида “Олмалиқ” жамоаси дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритиб, мухлисларини қувонтирди.

Навоийда “Қизилқум” ҳамда Мубораклик “Машъал” клуби қарама-қаршилиги қизиқарли ва муросасиз ўтгани билан кўпчиликда алоҳида таассурот қолдирди. Гап шундаки, аввалига мезбонлар 0:2 ҳисобида имкониятни бой беришаётган эди. Йўл қўйилган хатолардан вақтида хулоса чиқариб, ҳужумкорликни оширган “Қизилқум” футболчилари якунда 3:2 ҳисобида ғалабага эришишди.

Қолган беллашувларда қайд этилган натижалар билан танишинг: “Бунёдкор” (Тошкент) — “Нефтчи” (Фарғона) 2:0, “Насаф” (Қарши) — “Шўртан” (Ғузор) 2:1, “Навбаҳор” (Наманган) — “Локомотив” (Тошкент) — 2:3, “Пахтакор” (Тошкент) — “Андижон” (Андижон) 2:1.

Энди ушбу турга доир айрим қизиқарли маълумотларни келтириб ўтсак. XXV миллий чемпионат олий лигаси биринчи туридан ўрин олган саккизта баҳснинг еттитасида мезбонлар муваффақият қозонди. Чемпионатнинг биринчи голи “Металлург” аъзоси Зоҳид Абдуллаев томонидан киритилди. Дастлабки қизил карточка эса “Сўғдиёна” футболчиси Акмал Холмуродовга кўрсатилди. Энг кўп мухлис “Бухоро” — “Олмалиқ” ўйинига ташриф буюрди. Мазкур учрашувни 18352 нафар томошабин стадионда кузатди.

Илк турда бирйўла уч нафар футболчи — Зоҳид Абдуллаев (“Металлург”), Шаҳбоз Эркинов (“Машъал”), Илҳом Юнусов (“Қизилқум”) иккитадан тўп киритишга муваффақ бўлди. Улардан Зоҳид ва Илҳомнинг голлари жамоасига ғалаба келтирди. Чемпионатда автогол ҳам қайд этилди. Унга “Насаф” аъзоси Шерзод Аъзамов “муаллифлик” қилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**КЎРГАЗМА**

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида юртимиз ҳунармандларининг “Шарқ бозори” деб номланган кўргазма-савдоси ташкил этилди.

# Шарқ оҳанглари

Таъкидланганидек, мамлакатимизда халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳунармандлар иштирокида ўтказилаётган турли тадбирлар, кўргазмалар, фестиваллар ҳам айни шу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тақдим этилган маҳсулотлар, айниқса, самарқандлик Зебо Сафарованинг совғабоп буюмлари, тошкентлик Маҳмуд Даминов ясаган чинни буюмлар, Ўринбой Ибрагимовнинг миллий қўғирчоқлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир давомида мутахассислар иштирокида маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилди.

**Насима ЖЎРАЕВА.**

# Баҳорнинг тансиқ таомлари

Ҳар йили кунлар илиб, табиат уйғона бошлаган пайтда дастурхонларимиз баҳор таомлари билан янада файзу баракага тўлади. Турли кўкатлардан, хусусан, исмалоқ, ялпиздан сомсаю чучвара тайёрланади. Момоларимиз “Шу кунларга етказганига шукр”, дея сумалак пишираётган келинлар, ёшларга бош-қош бўлишади. Сочларига толбаргак тақиб олган қизалоқларнинг қувончини айтмайсизми?!

**НАВРЎЗ НАФАСИ**

Бухорода, жумладан, ҳалиса (ҳалим)ни баҳорий таом сифатида алоҳида қадрлашади. Бу тансиқ неъматни айнан Наврўз арафасида тайёрлаш анъанаси, мана, неча юз йилларки, давом этиб келаяпти.

— Бухороча ҳалим пиширишнинг ўзига хос жиҳатлари бор, — дейди ғиждувонлик уста-ошпаз Амрулла Остонов. — Бу кўплашиб тайёрланадиган таом саналади. Агар 600 — 700 киши яшайдиган бутун бир қишлоққа етгулик ҳалиса пишириладиган бўлса, улкан дошқозондан фойдаланилади. У ерўчоққа ўрнатилади. Сувга 50 килограмм гўшт солиб, қайнатилади. Қорамолнинг обдан тозаланган оёқлари ҳамда беш-олти килограммча ёғидан ҳам қўшилади. Яна шунча сабзи, ўн кило пиёз майда кесилиб, қозонга ташланади. Тахминан уч соатлардан кейин 50 килограмм ёрмани соламиз. Шундан сўнг қозон навбат билан ковлаб турилади. Тагига олмаслиги керак, дейилади-да. Бу жараён ҳам уч-тўрт соат давом этгач, қозон қопқоғи беркитилади, устига бўйра, кейин бўз ёпилади. Сўнгра қалин матолар тўшалади. Тупроқ тортилиб, овқат димланади. Бу жараён ҳам беш-олти соатча давом этади. Шу орада биз нўхат ҳамда қўй



ёғидан алоҳида қозонда қайла тайёрлаймиз.

Ҳалиса тайёр бўлгач, косаларга солиниб, дастурхонга тортилади. Ушбу таом тўйимли ва мазалидир. Иштаҳани очади. Унинг айнан Наврўз кунларида — “илигузилди” пайтларида пиширилиши ҳам бежиз эмас. Негаки, ҳалиса витаминга эҳтиёж сезган танга куч-қувват беради. Беморларга дармон бўлади. Кўнгилларга баҳор, Наврўз муждасини олиб киради.

— Ҳалисани кўплашиб тайёрлашнинг ўзида катта ҳикмат бор, — дейди меҳнат фахрийси Ҳаким Ражабов. — Шу баҳонада маҳалладошлар билан бир дастурхон атрофида жамулжам бўламиз. Қўшни қишлоқлардан таклиф этилганлар билан ширин гурунглар қиламиз. Кексалар ўзаро дийдорлашади. Ўртадаги меҳр-оқибат янада мустаҳкамланади. Ҳалиса пишгунга қадар кураш, кўчкор уриштириш каби кўнгилочар томошалар ўтказилади. Куй-қўшиқ янграйди.

— Ўттиз йилдан бери ҳалиса пишираман, — дейди Бахтиёр Нарзиев. — Наврўз кунларида қўлимиз қўлимизга тегмайди. Билсангиз, эл учун ҳалиса пишириб, енгил тортаман. Уни баҳорнинг энг тансиқ неъмати деб биламан. Зеро, ҳалисани татиб кўрганлар учун бу таъм яхши таниш.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Хабар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛДАН 4 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 22 февралдаги 6-сон «Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2564-1 (2016 йил 9 мартдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 25 февралдаги 321-В-5, 7, 2016-09-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-5 (2016 йил 9 мартдан кучга кирди).**





РЕКЛАМА





Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 141 447 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.47 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6